



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 3-sentabr. Payshanba • 105 (32.008)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон — Хитой:

ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АСОСИДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

ПЕКИН, 2 сентябрь. ЎЗА махсус мухбири
Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2 сентябрь куни Пекин шаҳрига келди.

Пекин шаҳрининг «Шоуду» халқаро аэропортида мамлакатимиз Президентини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган «Джоютай» қароргоҳига йўл олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари ХХР Раисини Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги билан табриклаб, Хитой халқи бу ғалабага улкан ҳисса қўшганини таъкидлади.

— Ушбу шонли санада Сизни ва Сиз орқали бутун Хитой халқини табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди. Истилочиларга қарши курашиб, қўллаб қурбонлар ва катта йўқотишлар эъзизига Иккинчи жаҳон урушининг якунлашишига салмоқли ҳисса қўшган инсонлар хотираси олдида бош эгамиз. Бу ғалаба бугун дунёда ҳақли равишда муносиб ўрин эгаллаган янги Хитой давлатининг шаклланиши ва ривожланишига замин яратган, — деди Ислам Каримов.

ХХР Раиси давлатимиз раҳбарини Хитойга ташрифи билан кутлаб, таклифини қабул қилгани учун миннатдорлик билдирди.

— Сиз билан яна бир бор учрашиб турганимдан гоё хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан табриклайман. Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашган Ўзбекистон халқи Хитойга дардаш бўлган, халқимизни қўллаб-қувватлаган. Биз бундан ҳеч қачон унутмаймиз ва бугунги ўзаро ҳамкорлигимизни гоёта қадрлаймиз, — деди Си Цзиньпин.

Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик сиёсати, иқтисодий, савдо, sanoat, молия, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларининг барча йўналишларини қамраб олган. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар

Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация каби қатор муҳим ҳужжатлар асосида изчил тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига Ислам Каримов билан Си Цзиньпин ўртасидаги яқин дўстлик,

ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳим ўрин тутмоқда. Икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. ХХР Раиси 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келди. Давлатимиз раҳбари 2014 йил август ойида давлат ташрифи билан Хитойда бўлди. Ислам Каримов ва Си Цзиньпин жорий йил июль ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити доирасида Уфа шаҳрида ҳам учрашди.

Пекинда ўтган олий даражадаги мулоқот чоғида томонлар ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболларини атрафлича муҳокама қилдилар.

Мамлакатимизда Хитой билан ҳамкорликда қатор йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўрта Осиё — Хитой газ қувури, Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрэн» индустриал зоналарида йўлга қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари самарали ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридир. Юртимизда Хитой сармояси иштирокида тузилган беш оздан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсмоқда. Бу кўрсаткич сўнгги 6 йилда 3 қарра ортиб, 2014 йилда 4,7 миллиард АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо айланмаси 11,7 фоиз ўсди.

Ислам Каримов Хитой билан ҳамкорликни юксак қадрлагани, ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистонини истиқболли стратегик шерикларидан бири деб билишини, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг қўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Ислам Каримов байрам тантаналари муносабати билан Хитойга тақлиф этилган мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари 3 сентябрь куни Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб Пекинда ўтказилган тантанали маросимларда қатнашди.

ЎЗА

■ БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ

2 сентябрь куни мамлакатимиздаги барча таълим даргоҳларида
Мустақиллик дарслари бўлиб ўтди

Мустақиллик ҳақида сўз кетганида, юрак тўлиб тошади, қалбда
фахр-ифтихор уйғонади. Мустақиллик — бу озодлик. Озодлик —
бу тенглик, қадр-қиммат, ҳақ-ҳуқуқ, шаън, миллиятни таниш,
Ватанини тушуниш, бир сўз билан айтганда, ўзликни англашдир.

Мустақиллик тузум ҳўрликларини, азоб-қубатларини, камситишларини, қатағонларини кўрган кекса авлод вакиллари мустақиллик қадрини биздан кўра кўпроқ билишади.

«Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!» шiori остида «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» мавзусида ўтказилган дарсларда ўқувчиларга истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган беқиёс ислохотларнинг моҳияти, иқтисодий ва саноат соҳасидаги кўрсаткичларини алоҳида таъкидладим.

— Мустақиллик дарсларида иштирак этишнинг масъулияти жуда катта бўлар экан, — дейди **ЎЗХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исабеков**. — Мен Пайариқ туманидаги 6-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган дарсда иштирок этдим. Аввало, ўқувчилар эътиборини самарқандлик тенгдошлари эришяётган ютуқларга қаратдим. Каттакўрғон шаҳридаги 17-ихтисослаштирилган мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жаҳонгир Тураев Хитой Халқ Республикасининг Чанчунь шаҳрида ташкил этилган математика бўйича халқаро олимпиадада қумуш медалга сазовор бўлди. Босния ва Герцеговина пойтахти Сараевода ўтказилган дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Пастдарғом политехника коллежи ўқувчиси Диёр Келдиёрова олтин медални қўлга киритди. Буларнинг барчаси истиқлол берган имкониятлар эмасми? Ана шулар ҳақида гапириб ўқувчиларнинг юз-кўзларига қарайман. Уларнинг ни-

лий истиқлол ғоясига садоқат, эртанги кунга ишонч каби улғувдор туйғуларни қанчалар юксаклигига гувоҳ бўлдик, — дейди **халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзоси Нигора Эшметова**. — Ўқувчиларга истиқлол йилларида пойтахтимизда бўлаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида гапириб бердим. Янги кўприклар, уй-жойлар, ўқув муассасалари қурилиши мамлакатимизнинг иқтисодий кудратини кўрсатишини алоҳида таъкидладим.

— Мустақиллик дарсларида иштирак этишнинг масъулияти жуда катта бўлар экан, — дейди **ЎЗХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исабеков**. — Мен Пайариқ туманидаги 6-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган дарсда иштирок этдим. Аввало, ўқувчилар эътиборини самарқандлик тенгдошлари эришяётган ютуқларга қаратдим. Каттакўрғон шаҳридаги 17-ихтисослаштирилган мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жаҳонгир Тураев Хитой Халқ Республикасининг Чанчунь шаҳрида ташкил этилган математика бўйича халқаро олимпиадада қумуш медалга сазовор бўлди. Босния ва Герцеговина пойтахти Сараевода ўтказилган дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Пастдарғом политехника коллежи ўқувчиси Диёр Келдиёрова олтин медални қўлга киритди. Буларнинг барчаси истиқлол берган имкониятлар эмасми? Ана шулар ҳақида гапириб ўқувчиларнинг юз-кўзларига қарайман. Уларнинг ни-

гоҳларида ҳавас, ўзлари ҳам шу каби ютуқларни қўлга киритишга ишонч порлайди.

Жорий йилда мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг биринчи синфига 631 мингдан зиёд ўғил-қиз қабул қилинди. Ўқув йилининг дастлабки кунларида уларга 12 номдаги ўқув анжومي, дарсликлардан иборат Президент совгалари тантанали топширилди.

— Аънавий тарзда ўтказилаётган Мустақиллик дарслари ўқувчилар учун катта сабоқ бўлмоқда, — дейди **Яшнобод туманидаги 61-умумтаълим мактаби директори Гулнора Исмолова**. — Ушбу дарсларга профессор-ўқитувчилар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, таниқли олимлар, эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлган инсонлар тақлиф этилмоқда. Уларнинг ҳаётий мисоллар воситасида ўтган дарслари ўқувчилар буюк аждодларимиздан фахрланиш туйғусини кучайтиришга хизмат қилади.

— Бу йил набираларим Ҳасан ва Зухра Ургут туманидаги 34-умумтаълим мактабининг 1-синфига қабул қилинди, — дейди **меҳнат фахрийси Ўлмас Қосимов**. — Уларга Президентимиз совгалари берилди. Ўзим 40 йил мобайнида мактабда ўқитувчилик қилдим, умр йўлдошим Ойбахор Солиева ҳам шу касбда меҳнат қилди. Бирок, биз ишлаган пайтларда таълимга ҳам, ўқитувчиға ҳам бу даражада эътибор қаратилмаган. Бугунги мактабларни кўриб, ҳавасинг келади...

Мамлакатимизнинг барча таълим даргоҳларида бўлиб ўтган Мустақиллик дарслари ёш авлодга Ватан қадрини, озодлик қадрини яна бир марта англагани билан муҳим аҳамият касб этади.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 27 нафар депутатдан иборат Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси фаолият юритмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлариға 214 нафар, туман ва шаҳар Кенгашлариға эса 1659 нафар депутат ЎЗХДПдан сайланган. Бу маҳаллий ҳокимият вакиллик идораларидаги жами депутатларнинг 32,1 фоизини ташкил қилади.

Жорий йилнинг дастлабки олти ойида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлариға 900 га яқин депутатлик сўрови юборилган. Партия гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида 6 марта мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилиб, электорат манфаатлариға хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинишиға эришилган.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номиға хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакилларида самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқиға тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз табрикларини йўлаган:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Бош котиби — **Пан Ги Мун**

Корея Республикаси
Президенти — **Пак Кин Хэ**

Ўмон Султони — **Қобус бин Саид**

Миср Араб Республикаси
Президенти — **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**

Швейцария Конфедерацияси Федерал
Президенти — **Симонетта Соммаруга**

Финляндия Республикаси
Президенти — **Саули Нийнистё**

Украина Президенти — **Пётр Порошенко**

Молдова Республикаси
Президенти — **Николае Тимофти**

Қирғизистон Республикаси
Президенти — **Алмазбек Атамбаев**

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти
Бош котиби — **Толиб Рифаи**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
Бош котиби — **Дмитрий Мезенцев**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия
қўмитаси раиси —
Ижроичи котиби — **Сергей Лебедев**

Иордания
Подшоҳи — **Абдуллоҳ II бин ал-Хусайн**

Испания Қироли — **Фелипе VI**

Нидерландия Қироли — **Виллем-Александр**

Италия Республикаси
Президенти — **Сержо Маттарелла**

Польша Республикаси
Президенти — **Анджей Дуда**

Словакия Республикаси
Президенти — **Андрей Киска**

Руминия Президенти — **Клаус Йоханнис**

Сингапур Республикаси
Президенти — **Тони Тан Кенг Ям**

Вьетнам Социалистик Республикаси
Президенти — **Чьонг Тан Шанг**

Озарбайжон Республикаси
Президенти — **Илҳом Алиев**

Австралия Генерал-
губернатори — **Питер Косгроув**

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги
ташкilotи бош директори
— **Жозе Грациану да Силва**

«Хуавей Текнолоджи Ко.Лтд» компанияси
президенти — **Жэн Чжэнфэй**

Германия-Ўзбекистон ишбилармонлар кен-
гаши аъзоси, «КЛААС» компанияси муста-
қил консултант — **Удо Фёлькер**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

«ЮРАГИМДА АБАДИЙ ҚОЛАСАН,
ЎЗБЕКISTON! ҲАММАСИ УЧУН
РАҲМАТ САМАРҚАНД!»



■ Халқ депутатлари маҳаллий
Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзолари
электорат манфаатларини ҳимоя қилиш
борасида қандай ташаббуслар билан
чиқмоқда?

ЎзХДП ГУРУҲИ
ТАШАББУСИ БИЛАН

ДОИМИЙ
КОМИССИЯ
ЙИГИЛИШИДА

аҳолига тиббий хизмат
кўрсатиш сифатини яхшилаш
бўйича олиб борилаётган
ишлар кўриб чиқилди

Фаргона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси мажлислар залида халқ депутатлари Фаргона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан аҳолига тиббий ва биринчи тиббий ёрдам хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масала Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссия йиғилишида атрофлича муҳокама этилди.



Фаргона вилоятида 2015 йил биринчи январь ҳолатига кўра, 3 млн. 445 минг 319 нафар аҳоли истиқомат қилади. 14 ёшгача болалар 912352 нафар, ўсмирлар 206599 нафарни ташкил этади.

Йиғилишда келтирилишича, бугунги кунда вилоят аҳолисига 70 шифохона, 376 амбулатория-поликлиника муассасаси, 20 ДСНЭМ, 19 тез тиббий ёрдам бўлими, 51 қишлоқ врачлик пункти ҳамда бошқа турдаги 26 муассасада тиббий профилактик ёрдам кўрсатиб келинмоқда. 6286 врач, 41066 ўрта тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар хизмат қилмоқда. Амбулатория-поликлиника тизимида 4785,25 врачлик лавозими мавжуд. Амбулатория-поликлиника тизимида врачлик лавозимларининг мутахассислар билан таъминланиши 84,7 фоизни ташкил этапти. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида вилоят аҳолисининг 92,4 фоизи тиббий кўриқдан ўтказилган.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ёши улуг кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг соғлигини сақлаш юзасидан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шиори остида Республика ва вилоят мутахассислари томонидан 275 нафар уруш қатнашчиси ва ногиронлар тиббий кўриқдан ўтказилган.

Вилоятдаги туғиш ёшидаги 6618 нафар аёл чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, экстрагенитал касалликлар аниқланганлари ҳозирда соғломлаштириш курсини ўтамоқда.

Кайд этилдики, вилоят бўйича тез тиббий ёрдам хизматига ҳафтасига ўртача 18705 қақрув амалга оширилган. Тез тиббий ёрдам бригадалари 37 ҳил доридармон ва бошқа керакли тиббиёт воситалари билан таъминланган. Вилоят бўйича тез тиббий ёрдам бўлиmlарини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Доимий комиссия йиғилишида депутатлар томонидан олиб борилган ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳам атрофлича кўриб чиқилди. ЎзХДП гуруҳи аъзолари электротат манфаатларидан келиб чиқиб, ўз тақлиф, тавсияларини билдиришди. Кун тартибидagi масала юзасидан вилоят Кенгашининг доимий комиссияси тегишли қарор қабул қилди.

Шохрух ҲУТАМОВ

МУНОСАБАТ

Бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак

бу — ўзбек халқининг истаги, бу — ўзбек халқининг мақсади,
бу — ўзбек халқининг қароридир



Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Президентимиз мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмаслиги, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймаслигини алоҳида таъкидлади. Азар чуқур ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак, айниқса, бугунги жуда мураккаб ва таҳликали замонда бу сўзларнинг, бундай позициянинг мазмун-моҳияти кенг, аҳамияти беқиёс, қадр-қиммати баланд экани яққол кўринади.

Ўта таҳликали вазиятда бизнинг олиб бораётган сиёсатимиз, давлатимиз раҳбари айтганидек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро қонун ва нормаларда муҳрлаб қўйилган асосий принципларга риоя қилиш, юзага келадиган қарама-қаршилик ва низоларни зўравонлик билан эмас, фақатгина тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этишни, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида давом этаётган уруш ва қон тўкиш ҳолатларини сўзсиз тўхтатишни назарда тутди.

Мен аввало, онаман, аёлман. Бир вақтлар уруш келтирган офатлар, бошимизга солган қулфатлар қалбимда оғир жароҳатлар қолдирган. Шунинг учун бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак, деган сўзларни эшитганимда, биринчи бўлиб фарзандларим, набираларим кўз олдимга келади. Дарҳақиқат, тинчлик, омонлик — ўзбек халқининг истаги, ўзбек халқининг мақсади, ўзбек халқининг қароридир.

Аёл қачон бахтли бўлади? Бу саволга мухтарам Президентимиз аниқ, тўғри жавоб берганлар. Ав-

валамбор, болалари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғ-омон бўлса.

Бу сўзларда жуда катта маъно бор. Аёл бахти оила, эл-юрт тинчлиги билан боғлиқ. Фарзандлар соғ-омон бўлиб вояга етаётган бўлса, ҳар кун оила аъзоларини беҳавотир ўқиш, ишга кузатиб, кутиб олса, аёлнинг кўнгли тинч, хотиржам бўлади. Оила бағридаги аёлгина ҳақиқий бахтни ҳис қилади. Шунинг учун ҳам аёллар, оналар даставвал юртда тинчлик бўлишини ҳаммадан кўп исташади, ҳаммадан кўп сўрашади.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, Президентимизнинг дунёда тинчликни таъминлаш тўғрисидаги халқаро ташаббуслари биринчи бўлиб аёллар, оналар томонидан қўллаб-қувватланади, десам, тўғри бўлади.

Гап шу ҳақда кетганда, «Ўзбекистон Республикасининг таъминоти сиёсий фаолияти концепцияси»ни тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни тинчликни таъминлаш ва қафолатлашда муҳим аҳамиятга эга бўлганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ушбу қонунда Ўзбекистон

тинчликпарвар сиёсат олиб бориши ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслиги, ҳар қандай давлатлараро тузилма ҳарбий-сиёсий блокка айланадиган бўлса, ундан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши аниқ қайд этиб қўйилган.

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ўзининг қўшни давлатлардаги қуролли зиддиятларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунга ва мамлакатимиз Қуролли Кучларининг Ҳарбий доктринасига асосан чет эллардаги тинчлик ўрнатуви операцияларда иштирок этмайди. Бу меъёр, қоида ва таъминотлар халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифода этади.

Оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг турли чеккаларида оналар, аёллар ҳали ҳам безовта, ҳали ҳам нотинч, кўз ёшлари дарё бўлиб оқаётганини кўриб, эшитиб турибмиз. Ўғилларимизни урушга бермаймиз, деб оналарнинг жони ҳалак. Эрталаб фарзандларини ўқишга, турмуш ўртоғини ишга кузатган она уларнинг эсон-омон қайтиб келишини минг ҳадик-хавотир билан кутмоқда.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. 80-йилларнинг боши эди. Акам ҳарбий хизматга Монголияга жўнаб кетган. Онам бир энлик хат кутиб, тунларни тонгга улайди. Телефонда гаплашиш учун ойлаб марказий почтада навбатда туради. Кўпична кунлаб кутиб, охири «қуриб кетсин, телефон ишламади», деб хомуш қайтарди. Кейин ҳафталаб қон босимлари ошиб, ётиб қоларди. Уйимизга «тез ёрдам» машинаси қатнай-верарди...

Минг шукрки, менинг ўғлим Мустақиллик йилларида ҳарбий хизматга отланди. Уйимиздан бор-йўғи 60 км. нарида хизмат қиладиган бўлди. Ўзимизнинг вилоятда, қўшни шаҳарда. Ҳарбий қисмнинг шароитлари

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, Президентимизнинг дунёда тинчликни таъминлаш тўғрисидаги халқаро ташаббуслари биринчи бўлиб аёллар, оналар томонидан қўллаб-қувватланади, десам, тўғри бўлади.

ҳавас қиларли даражада эканлигини билсам-да, барибир, ўша кунни билан ухлолмадим... Эртасига эрталаб йўлга чиқдим, ўғлимга сезDIRмай ҳарбий қисмга бордим. Ўзоқдан чиройли сафни, унда қадди тик ўғлимни кўриб, хотиржам ортимга қайтдим. Шунда Мустақилликдан олдин ўғилларини узоқларга хизматга жўнатган оналарнинг матонатига қойил қолдим. Ҳар кун бир энлик хат илнжидида кўнгли хуфтон оналарнинг аҳолини англагандек бўлдим. Мустақиллигимизга, тинчлигимизга шукрона келтирдим.

«Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, аввало, огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, тинч ва осуда ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимизни ҳимоялаш учун курашишимизни талаб қилади». Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари юрагимиз, қалбимиздан чуқур жой олиши, ҳар биримиз, энг аввало, фарзандларимизга, оила аъзоларимизга тинчликнинг, осуда ҳаётнинг қадрини, қимматини тушунириб беришимиз, тинчликка, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак, деб ўйлайман.

ЎзХДП гуруҳи фаолиятидан

Коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масаласи ўрганиляпти

Ҳар йили мамлакатимизда қўллаб-йигит-қиз касб-хунар коллежларини тамомлаб, меҳнат бозорига кириб келади. Уларни эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, ёш кадрларнинг ишлаб кетиш қафолатини мустаҳкамлаш, иш ўринларининг барқарорлигини таъминлаш долзарб масалалар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловотида дастурида ҳам бу борада қатор вазифалар белгиланган.

Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани вилоят марказидан 100 км. узоқда жойлашган. Туманда Агро-иқтисодиёт касб-хунар коллежи ҳамда Қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи фаолият олиб бормоқда. 2015 йилда мазкур ўқув муассасаларни 380 нафар битирувчи тамомлаган бўлса, уларнинг 158 нафари қизлар.


Ишга жойлаштирилганлар 195 нафарни, шундан 92 нафарини қизлар таш-

кил этади. Қолганлари бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлари аниқланиб, ишга жойлаштириш жараёнари давом эттирилмоқда.

Партиямиз янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли, айниқса, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича жамоатчилик ва депутатлик назоратини мунтазам ва тизимли равишда ўрнатиш муҳим, деб ҳисоблайди. Бу амалиёт нафақат янги иш ўринлари ташкил этиш, оилалар даромад манбаини яратиш, одамлар турмуш фаровонлигини таъминлашга хиз-

мат қилади, шу билан бирга, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳам қафолатидир.

Шундан келиб чиқиб, ЎзХДП Янгиобод туман кенгаши ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда коллеж битирувчиларининг ишга жойлаштиришда юзага келаётган камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни бар-тароф қилиш чоралари кўриляпти. Айниқса, коллеж битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш, маълумотларнинг ҳаққонийлигини ҳар бир коллеж келимида мунтазам ўрганиб



Ушбу оилан оғир.

биришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш кўп жиҳатдан мутасадди вазирликлар, маҳаллий ҳокимликлар, қорхона-ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятига боғлиқ. Коллежни тамомлаган ёшлар қаерда, қандай шароитда иш бошлаши уларнинг ҳаётга муносабати шаклланишида муҳим ўрин тутди. Шунинг учун қорхона ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудудлардаги касб-хунар коллежларига бириктирили-

ши ҳамда мунтазам ҳаракатдаги «коллеж — қорхона» алоқаларини такомиллаштиришга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳар бир битирувчининг истиқболдаги иш жойини аввалдан аниқлаш, уларнинг ишлаб чиқариш амалиётини мазкур қорхоналарда ўташларини таъминлаш масалаларида жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришимиз зарур.

Бекмурод ЖўРАМУРОДОВ,
Ўзбекистон ХДП Янгиобод
туман кенгаши раиси.

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

ЎзХДП Олтинқўл туман кенгаши томонидан «Кучли ижтимоий сиёсат — хотин-қизлар турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омили» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда туман партия кенгаши аъзолари, депутатлар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Хотин-қизлар қўллаб-қувватланмоқда

Сўзга чиққанлар истиқлол йилларида хотин-қизларга яратилган шароит, уларга қаратилаётган эътибор ҳусусида тўхталиб ўтишди. Она ва бола саломатлиги, опа-сингилларимиз бандлигини таъминлаш масалалари бўйича амалга оширилаётган ислохотлар юзасидан фикр алмашишди. Уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим масала экани таъкидланди.

— Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди халқ депутатлари Олтинқўл туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Гулноза Сатимова. — Аввало, уларнинг қонунлар тўғрисидаги билими, тушунчаси юқори бўлишига эришиш лозим. Ўтказилаётган тадбирлар айнан шу максалда хизмат қилади. Шунингдек, истиқлол берган незматлар, эркин ва фаровон ҳаётимизга шукроналик, ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш долзарб вазифа.

Тадбирда ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти томонидан хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган амалий ишлар, лойиҳалар ҳақида тўхталиб ўтилди. Ҳудудларда ишга туширилган ишлаб чиқариш объектлари, уларда яратилган шарт-шароитлар ҳусусида сўз борди. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси хотин-қизларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Зайнобиддин
НИЗОМИДДИНОВ,
ЎзХДП
Андижон вилоят
кенгаши бўлим мудир.



■ БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАР ИМКОНЯТИДАН ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНГАН ПАРТИЯГИНА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАДИ, ЭЛЕКТОРАТГА ЯҚИН БЎЛИБ, УНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ. ШУ БОИС ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ПАРТИЯМИЗ ОЛДИДАГИ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ.



■ ЎзХДП БАРҚАРОР ДАРОМАДГА ЭГА БЎЛМАГАН ОИЛАЛАРНИНГ ҚОБИЛИЯТЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ БОЛАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ТАРАФДОРИ.

Тинчлик барқарор юртдагина ислохотлар самара беради, тараққиёт бўлади, одамлар ўз мақсадларини амалга ошира олади, ҳаётидан рози бўлиб, хотиржам яшайди.

Тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик нишонаси

Мамлакатимиз умумий аҳолисига нисбатан 100 ёш ва ундан ошган инсонлар сони бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллади

Бир вақтлар ватандошларимиз юқори кўрсаткичларга эришадиган хорижий давлатлар ҳақида ўқиганда, эшитганда уларнинг тараққиётига ҳавас қиларди. Ўзбекистонимизни ҳам улар сафида қуришни истарди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Мамлакатимиз мустақиллик йилларида биз орзу қилгандек, ҳатто илғор давлатлар ҳам ҳавас қиладиган натижаларга эришмоқда. Нуфузли халқаро ташкилотлар, статистика қўмиталари ва экспертлар юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар самараларини, иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳаларда кўлга кириштирилган бетиносол ютуқларимизни юксак баҳоламоқда.

Яқинда «Эл-Висти» ахборот маркази узок умр кўрувчи инсонлар яшайдиган мамлакатлар рейтингини ўрганиш бўйича таҳлил ўтказди. Унга кўра, Ўзбекистон умумий аҳолисига нисбатан юз ёш ва ундан ошган инсонлар сони бўйича Буюк Британия ва Япониядан кейин учинчи ўринни эгаллади.

Мазкур рейтинг 2014 йил бошидан буён жаҳон электрон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган материалларда келтирилган маълумотлар, факт ва рақамлар, эксперт ва мутахассисларнинг хулосалари асосида тузилган.

4,5 миллион материал ўрганилган мазкур тадқиқотда дунё мамлакатлари юз ёш ва ундан ошган инсонларнинг умумий миқдори бўйича ҳам қиёсланган. Унга кўра, Ўзбекистон дунёда олтинчи ўринда қайд этилган.

Ҳўш, халқимизнинг умр

кўриш даражаси йил сайин узайиб бораётгани замирида қандай омиллар мужассам?

Мутахассислар инсоннинг узок умр кўриши унинг соғлом ва бахтли ҳаёт кечириши, тинч-хотиржам яшashi билан узвий боғлиқ эканини таъкидлайди.

Ўзбекистон истиқлол йилларида тинчлик-осойишталик барқарор бўлган, инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинлиги олий қадрият сифатида эъзозланган, иқтисодиёти изчил тараққий этиб бораётган мамлакатга айланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий ўзгарилиб, саноат ва инфратузилма тармоқлари изчил ривожланмоқда. Шу билан бирга, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, одамлар саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини яхшилаш, таълим сифатини оширишга катта куч ва маблағлар йўналтирилаётир.

Ўтган даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсди. Аҳолининг реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошди.

Ўтган даврда харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсгани ва ҳозирги кунда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларидан зиёдни ташкил этаётгани халқимизнинг турмуш даражаси



Суратда: Навоий вилояти Хатирчи туманида яшовчи 101 ёшли Умида момо Йўлдошева набираси билан.

ва ҳаёт сифати изчил юксалиб бораётганини кўрсатади.

Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очиқлиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар ва инфратузилма тармоқлари қишлоқ аҳолисининг ҳеч қимдан кам бўлмай яшashi учун кенг имкониятлар яратмоқда, эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқармоқда.

Психологларнинг таъкидлашича, ўз турмушидан қониқиб, яқинларининг меҳр-муҳаббатини ҳис қилиб, эртанги кунга ишониб яшайдиган инсон узок умр кўради.

Халқимиз орасида меҳроқибат муҳитини янада яхшилашга, айниқса, ёши улуг инсонларга ҳурмат-эҳтиром ва ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, «деб эълон қилингани

эктиёжлар, жумладан, аҳолини қўллаб-қувватлаш ва социал соҳани мустаҳкамлашга ажратилаётган йиллик харажатлар изчил ошиб бормоқда.

Замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, она юртига меҳр ва садоқат туйғуси билан яшайдиган, ҳеч қимдан кам бўлмаган, халқчилуви куч бўлиб майдонга чиқаётган янги соғлом авлод тарбияланмоқда. Бугунги кунда 2 миллиондан ортиқ ёшлар, жумладан, 840 мингдан ортиқ қизлар спорт билан мунтазам шуғулланаётгани соғлом турмуш тарзи ҳаётимиз қондасига айланиб бораётганининг амалий исботидир.

Буларнинг бари «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун» тамойили жамиятимизнинг барча соҳаларини модернизация қилиш ва янгилаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бош ғояси, асосий мақсадига айланганидан далолатдир.

Кўлга киритилаётган бундай юксак натижаларнинг асосий омил ва мезони, шубҳасиз, мамлакатимиздаги тинч-тинч-осойишталикдир. Зеро, тинчлик барқарор юртдагина ислохотлар самара беради, тараққиёт бўлади, одамлар ўз мақсадларини амалга ошира олади, ҳаётидан рози бўлиб, хотиржам яшайди.

Ўзимиздан қиёс: ҳар кунги тинч-хотиржам уйғонамиз, яхши кайфиятда нонушта қиламиз. У-бу нарса кам бўлса, «ғиз» этиб дўконга чиқиб келамиз. Дўконда ҳамма нарса бор...

ХУШХАБАРЛАР

Яқинда Босния ва Герцеговина-нинг Сараево шаҳрида спорт курашлари бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Тўрабек Тиркашевнинг ғалабаси шарафига Ватанимиз мадҳияси янгради.

Тўрабек — жаҳон чемпиони!



Мазкур мусобақанинг юнон-рум кураши беллашуварларида гиламга чиққан Тўрабек Тиркашев (46 кг) барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди. Ёш полвонимиз саралаш бахсларида Айстис Лаутминас (Литва), Султан Олжас (Қозғистон)ни мағлуб этди. Тўрабек ярим финалда Каито Инаба (Япония)ни енган бўлса, ҳал қилувчи баҳсда Керем Камол (Туркия)ни мағлуб этиб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Жаҳон чемпионатининг аёллар кураши бўйича ўтказилган беллашуварларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Шаҳодат Жулибоева (52 кг) эса бронза медали билан тақдирланди.

Ёш полвонларимиз эркин кураш бахсларида ҳам мутахассислар ишончини оқлашди. Жумладан, унда Хусанбой Раҳимов (85 кг) Япония, АҚШ, Озарбайжон спортчиларини енгиб, финалда йўлланма олди. Ҳал қилувчи беллашуварда ҳамюртимизга бирозгина омад етишмади ва россиялик рақибига имкониятни бой бериб, қумуш медал билан қи-фояланди.

Шунингдек, мусобақада 100 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида гиламга чиққан Ҳасанбой Раҳимов ҳам уқаси (Хусанбой Раҳимов)нинг натижасини тақдорлади. Финалда америкалик спортчиға очколар ҳисобида кичик фарқ билан ютказган полвонимиз шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Ришод Собировнинг яна бир соврини

Остона (Қозғистон)да дзюдо бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати якунланди. 2016 йили Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўладиган XXXI ёзги Олимпия уйинлари йўлланмалари учун муҳим рейтинг очколари тақдим этувчи ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг бир юз йигирмадан зиед давлати спортчилари голиблик учун майдонга чикди.



60 кг вазн тоифасида икки қарра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари бронза медали совриндори Ришод Собиров бу гал 66 кг вазн тоифасида майдонга тушди.

Моҳир спортчимиз саралаш беллашуварларида Сергио Маттей (Венесуэла), Арсен Хазарян (Арманистон) ҳамда Масаши Эбинума (Япония)ни муддатдан аввал мағлуб этди. Аммо у ярим финал йўлланмаси учун кечган баҳсда Жанубий Корея вакили Ан Баулга имкониятни бой берди.

Шундан сўнг ўтиш мусобақасида курашни давом эттирган Ришод Собиров дастлаб италиялик Элио Бердини, бронза медали учун кечган беллашуварда эса мезонблар вакили Елдос Жумахановни енгди ва жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндори бўлди.

Ўз медаллари газнасини яна бир бронза медали билан бойитган Ришод Собиров шоҳсупанинг учинчи поғонасига қўтарилиш билан бирга, 360 рейтинг очкосини ҳам қўлга киритди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎЗДЖТУ талабаси.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Пскент туман партия кенгаши раиси Дилбар Қомилловага уқаси
Фуркатжон ЗОКИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

ОБОДЛИК КЎНГИЛДАН БОШЛАНАДИ

Намангандаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида 200 дан зиёд корхона, ташкилот, муассаса, шунингдек, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятларидан келган 80 нафардан ортиқ уста гулчилар томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган гуллар кўргазмаси ўтказилди.

Наманганда гул байрами

Гул байрамида намойиш этилган аския пайровлари, дорбозлар томошаси, «Осуда юрт қадри», «Мустақил юрт оқшомили» номли концерт дастурлари, шунингдек, «Миллий ва дунё таомлари», «Энг яхши маҳалла гузари», «Энг яхши кўча», «Энг яхши охонадон» танловлари барчага бирдек хуш кайфият улашди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, «Инсон ва қонун» газетаси бош муҳаррири Қўчқор Норқобил, актёрлар Машраб Кимсанов, Гўлчехра Носирова, ЎзХДП фаоли, шоир Зиёвуддин Мансур иштирокидаги назм ва наво учрашувлари қизиқарли кечди.

Аҳмаджон Султонов, Илҳомжон Тоҳиров, Жўраҳон Мўминов, Садриддин Қодиров, Боситхон Нуриддинов сингари гулчи сулоалар вакиллари томонидан намойиш этилган гуллар иштирокчилар ҳамда ҳакамлар томонидан юксак баҳоланди. Наманган педагогика коллежи, шаҳар болалар шифохонаси, тиббиёт коллежи, бир қатор умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари жамоалари 55-аънавий гул байрами кўргазмасида энг ноёб ва энг кўп гул турлари билан иштирок этган гулчилар сифатида олқишланди.

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан Наманган шаҳар

соғлиқни сақлаш муассасаларида узок йил самарали меҳнат қилган, айни пайтда кексалик гаштини сураётган 30 нафардан зиёд фахрийлар учун «Гул байрами» дастурхони ташкил этилди.

— Наманганда ҳар йили ўтказиб келинаётган гул байрамига кейинги пайтларда нафақат республикамиздан, балки хорижий мамлакатлардан ҳам меҳмонлар келишмоқда, — дейди «Нафосат» гул ишқибозлари клуби раҳбари, ЎзХДП фаоли Дилбархон Содикова. — Гул сайли истиқлол йилларида янгича мазмун-моҳият касб этди, сайқал топди. Бу — мамлакатимиздаги осойишталик, халқимизнинг турмуш фаровонлиги, тинчлиги самарасидир.

Тадбирда гулчилар сулоласи давомчилари Обидхон Қодиров, Дилшод Абдурахмонов, Жўраҳон Мўминов ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ҳаваскор гулчилари, шунингдек, Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, Наманган муҳандислик педагогика институти жамоалари «Гул байрами» голиби бўлдилар.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, ЎЗБЕКISTON OVOZI мухбири.

ТАДБИР

Янги марказ иш бошлади

Хоразм вилоятининг энг чекка ҳудуди саналмиш Ҳазорасп тумани марказида «Аёллар ва оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш маркази» ишга туширилди. Марказда хотин-қизларга етти йўналишда хизмат кўрсатиш, уларни касбга йўналтириш, оилавий муаммолари ечимида руҳий ва моддий қўмаклашиш, иқтисодий қизларимизнинг маҳоратларини янада

ошириш учун шарт-шароит муҳайё қилинган.

Янги марказ очилишига бағишланган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Эльмира Баситханова туманда сўнгги йилларда аёллар ва оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида тўпаланган тажрибаларга алоҳида эътибор қаратди. Бу ердаги иш таж-

рибасини бошқа ҳудудларга татбиқ этиш лозимлигини таъкидлади.

Мазкур тадбирда туман хотин-қизлар қўмитасига «Spark» енгил автомашинаси топширилди.

Ушбу марказ туман хотин-қизларига мустақиллигимизнинг 24 йиллигига ўзига хос байрам совғаси бўлди.

Рўзимбой ҲАСАН, ЎЗБЕКISTON OVOZI мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Экспорт қўламини тобора ортиқмоқда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Навоий вилоят филиали томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кўрсатилган ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий ёрдам натижасида 14 та кичик бизнес субъекти 12,8 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспортини амалга оширди.

Шунингдек, жамғарма қўмағида «Hatirchi pilla hazinasi» МЧЖ, «Navoi hunan pulp» МЧЖ ва «Муз-роб Иброҳим» хусусий корхонаси ўз маҳсулотлари билан Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилган «Яшил ҳафта — 2015» халқаро кўргазмасида иштирок этди. **Натижада «Navoi hunan pulp» МЧЖ корхонаси Беларусь Республикасининг «Батисмет» МЧЖ корхонаси билан 50,6 минг АҚШ долларига тенг маҳсулотларни ҳамкорларга етказиб берди.** Ашхабад шаҳрида 8-10 апрель кунлари ўтказилган «TURKMAN-

CONSTRUCTION — 2015» халқаро кўргазмасида «Кармана гипс маҳсулотлари» МЧЖ, «Бентанит» МЧЖ ва «Зарафшон извест» МЧЖ корхоналари ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Ҳозирги кунда ушбу маҳсулотларни экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармон мазмун ва моҳиятини вилоят тадбиркорларига етказиш, уларнинг муаммолари



масалаларини ўрганиш ва ечиш, бизнес муҳитини янада яхшилаш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилишга қатнашчиларига жамғарманинг хориждаги ишончли ҳамкорлар рўйхати ва экспорт қилиш борасида керакли маслаҳатлар берилди. Жамғарма томонидан Бошқирдистоннинг Уфа шаҳрида Ўзбекистонда иш-

лаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазма хонаси ташкил этиш ва экспортини амалга ошириш мақсадида «Navoi-Beauty Cosmetics», «Bright Navoi Textile» ва «Navoi Hunan Pulp» корхоналарининг 10 дан ортиқ турдаги маҳсулотлари юборилди.

Илҳом САТТОРОВ, ЎЗБЕКISTON OVOZI мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 3 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

■ 1 Австралия доллари	1857,68
■ 1 Англия фунт стерлинги	4012,40
■ 1 Дания кронаси	392,37
■ 1 БАА дирҳами	708,16
■ 1 АҚШ доллари	2601,06
■ 1 Миср фунти	332,19
■ 1 Исландия кронаси	20,18

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

■ 1 Канада доллари	1964,99
■ 1 Хитой юани	407,85
■ 1 Россия рубли	39,13
■ 1 Украина гривнаси	122,78
■ 1 Малайзия ринггити	620,48
■ 1 Польша злотийси	693,25
■ 1 СДР	3662,53

■ 1 Туркия лираси	888,80
■ 1 Швейцария франки	2713,11
■ 1 ЕВРО	2955,61
■ 10 Жанубий Корея вони	21,99
■ 10 Япония иенаси	215,12

Жорий йилнинг 7-10 сентябрь кунлари Тошкентда Хитой киноси кунлари бўлиб ўтади. Тадбир «Ўзбекино» миллий агентлиги ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилмоқда.

Экранда хитой киноси

Пойтахтимиздаги Киночи-лар уйида шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Хитой дипломатик миссияси ходимлари ва делегацияси аъзолари, мамлакатимиз кино санъати намояндalari, санъатшунослар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар барча йўналишлар, жумладан, маданият ва санъат соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Хитой киноси кунларида ўзбекистонлик томошабинлар эътиборига Хитой кинематографиясининг ўзига хослиги акс эттирилган олтинга энг яхши фильм ҳавола этилади. Тадбирни «Тяньшань» кинофабрикаси томонидан суратга олинган «Ҳақиқий севи» бадиий фильми бошлаб беради.

Шунингдек, маданий тадбир дастуридан Ван Жингуннинг «Или дарёси», Чанг Поу-Сойнинг «Маймунлар қироли», Вэй Шеннинг «Паром», Чан Ган суратга олган «Чет эллик энага», Вонг Карвайнинг «Буюк уста» бадиий фильмлари ўрин олган. Мазкур кинокартиналар чуккур Шарқ фал-

сафаси, Хитой кинематографиясида замонавий махсус эффектлардан фойдаланиш маҳоратини яна бир бор намойиш этади.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани барчамизни хурсанд қилади, — дейди ХХР Матбуот, нашриёт, кинематография, радиозаштириш ва телевидение ишлари бўйича давлат бошқармаси вакили Луань Чжиго. — Тадбир томошабинларни Хитой кинематографиясининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш баробарида, Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасида маданий алоқаларни, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонаман.

Фильмлар Алишер Навоий номидаги кино саройида намойиш этилади. Хитой киноси кунлари доирасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ва Республика Байналмилал маданият марказида Хитой делегациясининг учрашувлари бўлиб ўтади.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири.

1 сентябрь куни ИИБ Академияси тингловчилари тантанали равишда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимининг қасамёдини қабул қилди.

ТАДБИР

Ички ишлар вазирлиги Академияси. Кун кеча тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, бугун тингловчи бўлган ёшлар қасамёд қабул қилиш учун сафланишган.



Санжар ШОУЛАГАНОВ олган сурат.

Ватанга содиқлик қасамёди

Тадбирни Академия бошлиғи, генерал-майор Шавкат Икромов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг 1-ўқув курс тингловчилари Ватани, халқи ҳамда Президентига содиқ бўлишга қасамёд қилишди.

Анъанага мувофиқ аъло ўқиши, намунали хулқи, жамоат ишларидаги фаллиги билан сафдошларига ўрнатилган тингловчилардан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг стипендиясига сазовор бўлганлиги ҳақидаги ички ишлар вазирининг буйруғини вазир ўринбосари, полковник Алишер Мирзаев ўқиб эшиттирди.

Табрик учун сўз Ички ишлар вазирини, генерал-лейтенант Адхам Аҳмедбаевга берилди. У тантанали тадбир иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллиги

билан табриклади. Қасамёд қабул қилган тингловчиларга катта зафарлар тилади.

Шундан сўнг ота-оналар номидан сўзга чиққан Раъно Абдуллаева эл-юрт осойишталигини асрашдек муқаддас вазифани бажаришга шай турган ёшларнинг келгуси ишларида муваффақиятлар тилади.

1-ўқув курс тингловчиси Шаҳзод Холбоев қасамёд қабул қилганлар ва йиғилганларни байрам билан табриклаб, она Ватан учун сидқидилдан, виждонан хизмат қилишга ҳамisha тайёр эканликларини таъкидлади.

Жиззах вилоятининг Бахмал туманида истиқомат қилувчи Ниёзбек Отақулов ҳам тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилинганлардан бири. Бугун унинг

қувончи чексиз. Негаки, у Академия тингловчиси.

— Ўғлим ёшлигидан ана шу таълим муассасасига ўқишга киришни ният қиларди. Мана, орузишга етди, — дейди унинг отаси Анвар Ҳамроев. — У ишончимизни оқлаб, халқимиз тинчлигини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишига ишонаман.

Қасамёд қабул қилиш тантанаси тингловчилар ҳамда уларнинг яқинлари ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолади.

Шунингдек, Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам тингловчи — курсантларнинг тантанали қасамёд қилиш маросими ўтказилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Энг улуг ва энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида Жарқўрғон туманида 20 дан ортиқ хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади, шунингдек, «Қўлдовли» маҳалласида 64 оилага мўлжалланган «Қамолот» уйи ўз эгаларига топширилди.

Янги иш ўринлари, янги уйлар

— Бугун қувончимнинг чеки йўқ, — дейди ана шу хонадонлардан бирига эга бўлган спортчи, каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони Мухайё Нормуродова. — Икки ва уч хонали уйларда барча шароитлар яратилган. Ховлида алоҳида болалар майдончалари барпо қилинган. Мева ва манзарали дараклардан баҳри дилингиз очилди. Ёш оилаларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдоримиз.

— Ёшларимизга давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар таҳсинга сазовор, — дейди ЎзХДП Жарқўрғон туман кенгаши раиси Алишер Маматмурдов. — Яқин-яқинларгача кишлоқларимиздаги уйлар пахсадан қуриларди. Мустақиллик шарофати билан пишиқ гишдан тикланаётган уйлар бир неча авлодларга хизмат қилишига ишонаман.

Ҳозир «Қўлдовли» кишлоғини кўрган киши уни шахарга қиёслаши мумкин. Худудга киришингиз билан янги мактабга кўзингиз тушади. Ёнидаги муҳташам спорт зали ёшлар ихтиёрида.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:






	
АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³ И 16м³	АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³
	
КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ И 12м³	ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» ИЛИ «MAN» (4x4) ИЛИ (6x6) 18-24 ЧЕЛОВЕК.
	
АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» ИЛИ «ISUZU» 6 м³, 8 м³, 12 м³	АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» 6м³ ИЛИ 10 м³

Гарантия 1 год

Телефон: (0-371) 262-97-78. факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17. www.krantas.uz. email: krantas@inbox.ru. ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113-уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99891) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38

www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Газетанинг навбатдаги сони 8 сентябрь, сешанба кўни чиқади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
11028
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 6